

Маккаи Мукаррамада халқаро анжуман



18:02 / 28.05.2019 1381

Рамазон ойининг 22 куни Маккаи Мукаррама шаҳрида Икки ҳарам ходими қирол Салмон ибн Абдулазиз Оли Саъуднинг бевосита риояси остида «Робитатул-ъаламил-исламий» (Ислом олами робитаси) томонидан ташкил қилинган «Қуръон ва Суннатда васатия ва мўътадиллик қадриятлари» деб номланган халқаро илмий анжуман иш бошлади.

Анжуман фаолиятида дунёнинг турли минтақаларидан таклиф қилинган минг нафардан ортиқ дин пешволари, муфтийлар, уламолар, исломий таълим муассасаларининг раҳбарлари ва бошқа масъул шахслар иштирок этмоқда. Жумладан, ушбу анжуманда «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёт мажмуаси раҳбари, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги жомеъ масжид имом-хатиби Исмоил Муҳаммад Содиқ ҳам қатнашмоқда.

Маккаи Мукаррама минтақасининг амири Холид ибн Файсал анжуманни очиқ деб эълон қилиб, қирол Салмон ибн Абдулазиз Оли Саъуднинг анжуман қатнашчиларига табригини ўқиб эшиттирди.

Анжуман фаолияти ҳақидаги батафсил маълумотлар билан янгиликларимизнинг келгуси сонларида танишишингиз мумкин.





Islom.uz портали таҳририяти